

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 2013 йил 12-13 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Вилоят ҳаёти

Бекобод шаҳри Минифутбол майдони ҳамиша гавжум

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида "Ўзбекистон металлургия комбинати" очiq акциядорлик жамияти 2-навли прокат цехининг ташаббуси ва Бевосита иштирокида янги минифутбол уйингоҳи фойдаланишга топширилган эди.

Икки ой давомида ҳашар йўли билан куриб битказилган иншоот бугун миллионлар ўйинчи хиласмандлари билан гавжум.

Эндиликда нафақат прокатчилар, балки комбинат ишчилари ҳам бўш вақтларида футбол ўйнашлари мумкин.

Ўз мухбиримиз.

Зангиота тумани Тадбиркорлар сафи кенгайди

Назарбек қишлоғида йилнинг ўтган саккиз ойида йигирмадан ортиқ хусусий корхона, кўплаб яққа тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлаб, шу ерда яшовчи аҳолини доимий иш билан таъминлади.

"Бехруз-Жалол-қуриш-сервис" МЧЖ шундай корхоналардан бири. Йил бошида иш бошлаган бу корхона қуриш материаллари тайёр-

лашга ихтисослашган. Тадбиркорлар йил охиригача яна бир нечта назарбекликнинг бандлигини таъминлаш ниятида.

Ўз мухбиримиз.

Пискент тумани Янги тикувчилик цехи

Келовчи қишлоғида тадбиркор Б. Мираҳмедов янги тикувчилик цехини ишга туширди. Ишбилармон 150 миллион сўм инвестиция киритган мўъжаз корхона 30 та замонавий тикув машиналари билан жиҳозланди.

Энди бу ерда 21 нафар маҳаллий ёшлар ва хотин-қизлар доимий иш жойига эга бўлди.

Айни кунларда цехда пахта терими мавсуми учун этак ва бошқа зарур маҳсулотлар тикилмоқда.

Оққўрғон тумани Сув келтирган элда азиз

"Ғафуржон-Дилноза" фермер хўжалиги раҳбари Ғафуржон Ортиқовнинг хайрли ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан "Тулистон" маҳалласига сув келтирилди.

Худудимиздаги аҳолининг асосий қисми дехқончилик билан шуғулланади, – деди фермер. – Ўз ойларида сув тақчиллашши сабабли қийналишарди. Маслаҳатлашиб, 500 метр узунликда янги ариқ қазидик, энг катта муаммо бўлиб турган канал устига 45 метрлик қувур

ётиқиздик. Сувнинг ортиқча бўлмаслиги учун 60 метр узунликда бетон лотоклар қўйилди. Шу тариқа маҳалладаги 70 хонадон томоғқаси сув билан таъминланди. Энди фермер хўжалигининг 115 гектардан ортиқ галла ва пахта майдонлари ҳам шу ариқдан суғорилади.

Ишбилармонлар кўпаймоқда

Ангреник Шохистахон Мадиарова "Шаҳлия" тикувчилик корхонасини уч нафар хотин-қиз билан ташкил этган бўлса, бугун 20 дан ортиқ аёллар меҳнат қилмоқда.

Ўрта чирчилик Хайринисо Ҳамидова ҳам салкам 15 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланади. У етакчилик келатган "Турғунбой қизи" МЧЖда 15 дан ортиқ йигит-қиз иш билан банд.

Яна минглаб аёллар оилавий тадбиркорлик, шунингдек, йирик саноат корхоналарига аъзо бўлиб, шартнома асосида касаначилик билан шуғулланмоқдалар.

Нурихон НУЪМОНОВА.

Ёшлар веломарафони

ПОЙГАГА ҲАММА ҚЎШИЛДИ

Кеча эрта тондан Чирчиқ шаҳри кўчалари велосипедчилар билан гавжум бўлиб кетди. Улар орасида мактаб ўқувчилари ҳам, катта ёшлар ҳам, ҳатто оилавий пойгачилар ҳам бор.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Камолот-ТУР" VI ёшлар веломарафони вилоят босқичи иштирокчилари кайфиятини кўтариш учун шаҳар кўчалари шунга монанд безатилди. Турли шир ва бехисоб байроқчалар ёшлар веломарафонига катта олимпиада руҳини берди.

(Давоми 4-бетда).

Тухфа

ЯНГИҚЎРҒОН ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА



– Ҳалиям худди кечагидек эсимда, биз – бошланғич синф ўқувчилари дизель мотори турадиган бир хонада таҳсил олганмиз. Кейинчалик бир-иккита синф хонаси қўшилиши ҳисобига мактабимиз номига кенгайтирилган бўлди, – дея болалик кунларини эсга олади собиқ қишлоқ муаллими Муҳаммадсиёиди Ота Сулаймонов.

Қишлоқ одамлари ҳикоя қилишларича, Янгиқўрғонда дастлабки мактаб бундан саксон йил муқаддам очилган экан.

Марказий Осиё минтақасида энг йирик матбаачилик мажмуаси бўлган. "Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси қишлоқ теграсидаги я-яшил адирлар бағрида, пуриқор Чотқол этағида корхона ишчи-хондилари ва уларнинг фарзандлари учун дам олиш маскани барпо этгунинг қадар аҳвол шу тахлит давом этаверди. Тоғ ёнбағридаги юз гектардан зиёд ерда кotteж, сузиш ҳавзалари ва бошқа ёрдамчи иншоотлар, бугунги кун табири билан айтганда, болакайлар ва катталар дам олиши учун зарур инфратузил-

ма бирин-кетин бунёд этила бошлагач, Янгиқўрғон қишлоғида хонадонлар Бурчмулла ва узок-яқиндаги бошқа катта-кичик қишлоқлар аҳли ҳисобига қўпайиб бораверди. Қишлоқда болалар оромгоҳи ва катталар учун мавсумий дам олиш уйи ташкил этилганидан сўнг йўл қурилди, пойтахт билан мунтазам алоқа ўрнатилди.

Шу аснода болажонларнинг тор, қоронғи, тўқилай-тўқилай деб турган эски синф хоналарида таълим олиши замонавийлашган қишлоққа ярашмай қолганди. "Шарк" компанияси маъмурияти ва қишлоқ оқсоқоллари кенгашиб, янги мактаб қуришга аҳд қилишди.

Янги аср бошларида Бўстонлик туманининг шу сўлим қишлоғидан мактаб биноси учун жой танланди, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Кўпроқ қўл меҳнати ва қатъий режа асосида сарфланган давлат маблағлари ҳисобига 120 ўқувчига мўлжалланган шинам мактаб биноси қуриб, битказилди ҳам. Бироқ, бирламчи ҳужжатлар олдиндан тайёрлаб қўйилмагани баҳонасида уни фойдаланишга топшириш бир неча йилга чўзилиб кетди.

Бугун эса таълим маскани ҳовлисида қишлоқ ва мактаб аҳли, ўқувчилар, вилоят, туман ҳокимиёти ва халқ таълими бўлимлари вакиллари ва меҳмонлар, мактабни қуриш ва жиҳозлашни тўлиқ нихосига етказган "Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси мутасаддилари ва ишчилари ўн йилдан ошқароқ қилинган катта меҳнат медалларини мазкур маърифат бўстиғига илк қадам қўяётган ёш нихоллар чехрасида кўриб тургандек бўлишди.

– Компаниямизнинг собиқ раҳбарлари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан бошланган шинам мактаб биноси нихоят эгаларига

тақдим этилапти. Унинг очилиши ва фойдаланишга топширилиши тадбирида иштирок этиб турганимдан бехад мамнунман, – деди компания бош директори Отабек Ғулмонов.

– Эсимда, янгиқўрғонликлар яқин-яқин йилларда ҳам бошланғич синфлардан сўнг 6-7 километр наридаги Юсуфхона қишлоғига катнаб, ўқишни давом эттиришарди, – деди "Навобод" маҳалла оқсоқоли Неъмат Расулов. – Тоғ шароитидаги қор-ёмғирли кунларда транспорт масаласи қўшимча ташвиш эди.

Мактаб очилиши маросимида иштирок этган тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов ҳақ гапни айтди: "Янгиқўрғондек олис бир тоғ қишлоғида яратиб берилган шундай шароит ҳамма мамлакатларда ҳам мавжуд эмаслигига ҳорижий ўқаларига борганимда шахсан ўзим гувоҳ бўлганман. Шу жиҳатдан олганда муҳайё этилган шароит қадрига барчамиз етишимиз, сиз, азиз мактаб ўқувчилари эса, шу гамхўрликка яҳши хулқ-одоб ва аъло баҳоларга ўқиш билан муносиб жавоб беришингиз керак".

Янгиқўрғон қишлоғи аҳли учун шу кун байрам устига байрам бўлди. Мустақиллик кунини ва ўқув йилининг бошланғичида янги мактабдан-да, ажойиброқ совға бўлиши мумкинми? Илк марта мактаб остонасига қадам қўяётган ўқувчиларга меҳмонлар Президент совғаларини тантана билан топширишди.

Қишлоқ ва мактаб аҳлининг тантанали маросимдаги кўтаринчи кайфияти ва чексиз қувончини ушбу илмгоҳнинг қуриб, битказилишида бош-қош бўлган мактаб директори Аҳмаджон Исомовнинг самимий сўзлари билан ифодаш мумкин: "Бу воқеа туфайли Янгиқўрғон қишлоғимиз ҳаётида янги саҳифа очилди".

Тожибой ИКРОМОВ.

МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг сайёр мажлисида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мажлисда сенаторлар, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимиёти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Сенаторлар ўз маърузаларида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунириш, улар фаолиятини самарали ташкил этишда ёрдам бериш, фуқаролар йиғинларини хизмат биноларини таъмирлаш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтдилар.



Барча фуқаролар йиғинларида яраштирув, воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар ишламоқда. Яраштирув комиссияларининг самарали фаолияти сабаб бу йилнинг биринчи ярмида 1695 та оила яраштирилди. Ўтган 2012 йили 424 та фуқаролар йиғини ҳудудда битта ҳам жиноят қайд этилмади.

Мажлисда сенаторлар ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни олдин олишда, гиёҳвандлик ва одам савдосига қарши курашда

мавжуд айрим камчиликларнинг сабабларини таҳлил қилишди. Чунки, баъзи фуқаролар йиғинларидаги бўш ўринларни белгиланган тартибда тўлдириб қоралари қўриллаётми, улар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар иши намуналий ташкил этилмаган. Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузар-

ликларни профилактика қилиш борасидаги илғор тажрибани, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ижобий натижаларини умумлаштириш ва тарғиб қилишга етарли эътибор берилмаётми.

Илғиллиш сўнггида муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Қарор ва ижро

ЭРТАНГИ КУНГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Мамлакат Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори вилоятимизда мазкур соҳаларни тубдан яхшилашда муҳим дастуриламма сифатида қабул қилинди. Муҳим ҳужжат шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари меъморий қиёфасини миллий

анъаналаримиз ҳамда замонавий шаҳарсозлик талабларига мос ҳолда тубдан яхшилаш ва ободонлаштириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантириш ва мустақамлаш мақсадларига йўналтирилган қувонарли, албатта. Қўзланган бу мақсадларга эришиш учун эса, қарор ижросини тўлиқ таъминлаш зарур.

Қарорнинг биринчи бандида давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш чора-тадбирларига алоҳида урғу берилган. Шу масалага бевосита масъул ҳисобланган "Тошкентавтотўй" худудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилотининг бугунги фаолияти билан қизиқдик.

– Вилоят йўлсозлари Юрт-

лометр автомобиль йўллари қуриш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ҳазилакам иш эмас. Шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 72 километрга қуриш ва реконструкция ишларини амалга оширсак, 14 километрини мукамал таъмирлаймиз. 245,9 километр ҳужалиқларро қишлоқ йўллари замонавий қиёфага келтиришни мақсад қилганмиз.

Қарор дастурига "Ўзбек миллий автомагистрали"нинг асосий йўналишидаги йўллар қуришга бўлиб, бажарилажак чора-тадбирлар вилоятимизни Фарғона водийси ва республикамизнинг бошқа худудлари билан транспорт-коммуникация алоқаси, йўловчи ва юкларни қулай, тўхтовсиз ҳамда хавфсиз ҳаракатланиши учун қўшимча имконият яратди.

(Давоми 2-бетда).

Умр мазмуни

ҚАЛБИМДАГИ ГАВҲАРИМ – САНЪАТИМ

Табиат инсонга юрак аталмиш мўъжизани ато этганки, у ҳамisha ишқ, дард, меҳр-муҳаббат, оқибат, садоқат садоларига ҳамоҳанг, тирикликдан дарак бериб, бедор уриб туради. Олмалик шаҳар маданияти ва спорт ишлари бўлими бошлиғи, миллий кўшиқчилик, эстрада ва рақс биллимини Турсуной Исмияминова том маънодаги санъат ошиғи.

Турсуной асли санъаткорлар оиласидан. Муסיқани жон-дилидан севадиган Абдусаттор Раҳмоновни яҳши таниган янгийўлликлар: "Доирани Абдусаттор чалсинда, тингланган одам ўйинга тушиб кетганини ўзи билмай қолади" дейишарди. Унинг бу қобилияти қизчаси Турсунойда кўнгируқдай овоз бўлиб шаклланди. Ҳали бошланғич синфдаёқ "Алла"ни айтганида, каттаю-кичик мириқиб тинглар эди. Талабчан отага бу ҳам ёқмас: "Қизим, ҳар бир кўшиқ юракдан айтилсагина қалбларни сел қилади" дерди.

Кўп ўтмай, унинг сеҳрли нолалари овоза бўлди. "Абдусаттор, қизинг жуда машхур кўшиқчи бўладиганга ўхшайди" дея пичинг қилганлар отанинг фикрини ўзгартириб юборди. Шундай қилиб, 16 ёшли Турсуной қариндошига келин бўлди. Аммо юрак: "Қуйла, Турсуной, қуйла!" деб турса қийин экан. У доим телевизорда ҳавас билан томоша қиладиган, кейинчалик устозлик қилган Тамаарахоннинг, саҳнада бирга кўшиқ айтиб юрган тендошларининг чиқишларини кўзларидан ёш билан кузатар, ҳеч кимга бидирмай ёш йиллаб-йиллаб, кўнглини бўшатиб оларди. Яхшиямки, умр йўлдоши Мирзатилла, қайнонаси Тожинона яя уни тушунишди. У Абдулла Қодирий номидаги маданият институтида ўқиди.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

Зангиота, Бўка, Ўрта Чирчиқ ва Охангарон туманлари ҳудудидagi автомобиль йўлларининг қурилишига жами 238 миллиард 695 миллион сўм ажратилган.

Айни кунларда Бўка туманидан ўтувчи "Гулистон-Охангарон" ва 4P20 "Қорасув-Бўка-Бекобод шаҳри" автомобиль йўлларининг кесилган қисмида транспорт туташмаси қурилувда. Бу ишларга "Тошкент кўприк ҳўжалигини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси" бунёдкорлари бошқош. Туташма фойдаланишига топширилиши билан халқаро ва давлат аҳамиятига эга икки асосий йўналишдаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлиги таъминланади. 12 миллиард 727 миллион сўм сарфланиши белгиланган мазкур объектдаги қурилиш ишлари йил охирига қадар якунланиши керак. Келгуси йилдан бошлаб эса, янги туташмада транспорт ҳаракати йўлга қўйилади.

Қураётган йўлларимиз узок йиллар ҳайдовчи ва йўловчилар қорига яраса, биз қилаётган ишимиздан мамнун бўламиз, дейди бош муҳандис. Бунинг учун қурилишларда юқори сифатли ва чидамли материаллардан фойдаланяимиз. Темир-бетон маҳсулоти "Қўйлик темир бетон экспериментал заводи" дан харид қилиняпти. "Чиноз-йўлиндустриал" заводи ва Тошкент саноат корхонасидан асфальт-бетон маҳсулотлари келтириляпти. Маҳаллий норууда материаллар Охангарон ва Пискент дарёлари қарьерларидан қазиб олинмоқда. "Тошкент халқа йўли"нинг 63-километрдан "Бектемир-Чирчиқ-Ғазалкент-Чорвоқ" гача бўлган йўналишида 22 километрли

(Давоми. Боши 1-бетда).

янги автомобиль йўлини куриш бошлаб юборилди. Келгуси йили ҳам давом этадиган мазкур бунёдкорлик жараёнида дастур доирасида 68 миллиард 447 миллион сўм ўзлаштирилади. Объектда Фаоллик кўрсатаётган Тошкент кўприк корхонаси раҳбари

Абдулбоқи Иззатиллаевнинг айтишича, лойиҳага кура, Зангиота туманида 16 километр ва Ўрта Чирчиқ туманида 6 километр йўл қурилар экан. Шу кунгача 20 миллиард 316 миллион сўмлик иш бажаришга эришилди. Яна бир гап. Қарорда

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш ва реконструкциялаш бўйича қатор вазиғлар белгиланган. Жумладан, "Қамчиқ" доворидан ўтувчи ягона "артерия" ҳисобланган халқаро "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг 30 кило-

метр қисмини реконструкциялаш керак. 77 миллиард 129 миллион сўм ажратилган мазкур ишларни бажариш "Қамчиқавтйўл" ҳамда "Назарбекавтйўл" корхоналарига топширилган. Шуниси қувонарлики, мазкур объектга, ҳатто, хорижлик ҳамкорлар ҳам жалб этилган. Испаниянинг "Korsan Korgviam" корхонаси ишчилари автомобиль йўлининг 123-136-километрида меҳнат қилмоқда.

Илгари йўл қоламаларига битта транспорт воситасидан 10 тоннагача босим тушарди, дей фикрини давом эттирди Акмал Ашуров. Ҳозир мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан экспорт-импорт алоқалари ривожланаётгани йўлларда юк ташийдиган транспорт воситаларининг оқими кўпайишига сабаб бўлаётди. Уларнинг оғирлиги 10 тоннадан 13 тоннага кўтарилган. Бу эса, йўлларга ортиқча босим.

Шуни инобатга олиб, Охангарондан ўтувчи "Тошкент-Ўш" автомагистрალი йўл қоламасининг юк кўтариш қобилиятини 10 тоннадан 13 тоннага ошириш учун 20 километр узунликдаги автомобиль йўлини реконструкция қилиш мўлжалланган. Бош пудратчи "Қарвонсароййўл" хусусий корхонаси қурувчилари бу ерда 71 миллиард 100 миллион сўмлик иш бажаришга киришди.

Ўзбек миллий автомагистралнинг қурилиши республикамиз транзит юк салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Вилоят йўлсозлари ўшбу шароғли ва масулятили вазиға бажарилиши ҳамда йўлларимиз рагон бўлиши учун кеча-ю кундуз меҳнат қилишга тайёрлар, дей сўзини якунлади Акмал Ашуров.

Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ЭРТАНГИ КУНГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР



(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиётнинг етакчи кучи

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИАТЛАРИ

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрнини соҳа ва тармоқларда эришилаётган ютуқларда унинг улуши тобора ортиб бораётганига қараб баҳо бериш мумкин. Хусусан, вилоят миқёсидаги яппи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 40,4 фоизга етди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Файзулла Маманов билан ишбилармонлик муҳитини янада охириллаш йўлида амалга ошириллаётган ишлар ва эришилаётган натижалар хусусида сўзлашди.

Ҳозирги кунда бошқармаимиз таркибига 3561 та тадбиркорлик субъектлари биришлаган. Уларнинг 1408 таси юридик, 1366 таси микрофирма ва кичик корхоналар, дейди Ф. Маманов. Бизнинг вазиғамиз уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Тадбиркорликни ривожлантириш, қулай шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар яратиш, эркин фаолият юритишларини таъминлаш учун қўллаб қонун, фармон ва қарорлар эълон қилинди.

Хусусан, Юртбошимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармонларига мувофиқ, 2013 йилдан эътиборан 12 турдаги солиқ ҳисоботлари, 11 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларнинг қисқартирилиши тадбиркорларга катта қулайлик яратди. Юртбошимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори эса соҳани янги босқичга кўтарувчи ҳужжат бўлди.

Ўшбу қарор биринчидан, тадбиркорларнинг рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришларини рағбатлантиришга хизмат қилса, иккинчидан, ўзлари етиштирган ва тайёрлаган маҳсулотларини жаҳон бозорига сотиш имкониятини яратди. Айниқса, янги ташкил этил-

ган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ишбилармонлар учун ҳақиқий ҳамкор ва таянч бўлади.

Бошқармаимиз юқоридagi фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ҳафтанинг хар жумасини "Тадбиркорлар кунини" деб белгилаб, эйтиларда қабуллар ташкил этишмоқда. Масалан, бошқарманинг ҳудудий бўлинмаларига 1198 та тадбиркорлик субъектлари мурожаат билан чиқди. Уларнинг 94,9 фоизи жойида ҳал этилиб, 21 таси кўриб чиқиш учун мутасадди ташкилотларга юборилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бошқарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ёзма мурожаатларига жавобан, уларнинг манфаатлари фуқаролик, жиноят ва ҳўжалик ишлари бўйича туман ва шаҳар судларида ҳимоя қилинмоқда. Жумладан, судларга киритилган 772 та даъво аризаларининг 616 таси қаноатлантирилди. Қолганлари тегишли тартибда ўрганлимоқда.

Бошқарма корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ва соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, 2013 йилнинг апрель ва май ойларида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ташкил этилган ноозик-овкат маҳсулотлари кўргазмаси кооперация биржаси ва ихтисослаштирилган савдо кўргазмаларида вилоятимизнинг 159 та корхонаси, 350 дан ортиқ фермер ҳўжалиғи, агрофирма ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари фаол иштирок

этди ва умумий қиймати 8,2 миллиард сўмлик 82 та шартнома, келишув ва битимлар имзоланди.

Вилоятимиз тадбиркорлари хорижий давлатларда ташкил этилаётган конференция ва кўргазмаларда иштирок этмоқдалар, чет элда малака ошириб, тажриба алмашмоқдалар. 2013 йилнинг ўтган даврида вилоятимизнинг 10 нафар тадбиркори халқаро семинар-тренингларида иштирок этган бўлса, 6 нафарни Германияда малака ошириб қайтди.

Республикамизда ва хорижий давлатларда вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмалари ва савдо ярмаркалари ташкил этилаётгани ҳам соҳа ривожига катта аҳамиятга эга бўлмоқда. 2013 йилнинг иккинчи ярмида Германия, Италия, Хитой, Малайзия ва Вьетнам давлатларига тадбиркорларимизнинг бизнес ташрифларини юштириш режалаштирилган.

Корея Республикасининг Бусан шаҳри Савдо-саноат палатаси билан имзоланган ҳамкорлик Битимига асосан, вилоятимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган бир гуруҳ тадбиркорларни Бусан шаҳрига малака ошириш учун юбориш бўйича келишув масаласи ҳал этилмоқда.

Бошқарма тадбиркорларни ўқитиш, малакасини ошириш, уларни соҳадаги энг сўнги янгиликлар ва илгор тажрибалар билан таништириб бориш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 449 та, қайта тайёргарлик бўйича 171 та ўқиш ва семинар-тренинглар ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, бошқармаимиз шаҳар, туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда тадбиркорлар сафини кенгайтириш, соҳани изчил ривожлантириш, айниқса, маҳаллий хом ашёда ишлайдиган кичик бизнес субъектларини кўпайтириш, шулар ҳисобидан аҳолини иш билан таъминлашнинг устувор вазиғларини амалга оширишга муносиб хисса қўиши учун бор имкониятларини ишга солмоқда.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Ўқишни янги бинода бошлашди

Охангарон туманидаги 58-мактаб ўқувчилари 180 ўринли янги бинода таълим ола бошладилар.

"Охангарон Шохрўх Файз" масуляти чекланган жамияти "Обод турмуш йили" дастури доирасида бунёд этган бинода замонавий ўқув хоналари билан бирга 2 та спорт зали ва ювенил-кийиниш хоналари мавжуд. Бино қурилиши учун 650 миллион сўм инвестиция маблағлари йўналтирилди. Шунингдек, ҳомийлар мактабга ўқув қуроллари тақдим этди.

Мустақиллик байрами арафасида Пискент тумани қишлоқларида кўп-лаб янги объектлар барпо этилди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Шампан қишлоғи марказида тадбиркор Шиддат Туробов озиқ-овкат дўкони, Паркент шаҳрининг "Чўққайма" маҳалласида тадбиркор Асад Норматов янги дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини очди. Энди аҳоли нафақат турли истеъмол молларини харид қилиш, балки бошқа хизматлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Умида ИСАЕВА.

Янги Ангрен ИЭС Марказий Осиёда етакчи иссиқлик электр станцияларидан бирилар. Станцияда ҳар бирининг қуввати 300 Мвтдан бўлган 7

Айни кунларда станцияда технология янгилини, модернизациялаш жараёни муваффақиятли давом этмоқда.

Станцияимизда модернизация ва реконструкцияга тааллуқли 24 та объектдан 16 тасида қурилиш-монтаж ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилиб, қабул комиссияси томонидан яхши баҳоланди ва тўлиқ ишга туширилди, дейди корхона раҳбари Равшан Асомиддинов. 8 та объектда эса модернизациялаш ва реконструкция ишлари жадал давом этмоқда. 2013 йил охирига қурилиш-монтаж, модернизациялаш тўлиқ яқунланади. Жумладан, 1-5-энергоблоклардаги электр филтёрларини алмаштириб, атмосферага чиқариладиган зарарли газ ва кулни кескин камайитиришга эришамиз. Шунингдек, 3-градирня объектида сув соватиш ускуналарини алмаштириб, бу тизимни яхшилаш билан ёқилги сарфини камайитириш, тежамокорликка эришиш кутилмоқда. Бундан ташқари, бир қатор иншоотларимизда автомат ўлчов ускуналарини алмаштириб,

Матбуот анжумани

ЕРДАН Фойдаланиш қонунини

"Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ерлардан самарали, мақсадли фойдаланиш ва муҳофазалаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер қонунчилигига риоя қилиниши масалаларига бағишлаб матбуот анжумани ташкил этди.

Ўтган даврда 1961 ердан фойдаланувчига ажратиб берилган 114 минг 652,1 гектар ердан белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилмагани учун амалдаги қонунлар асосида туман ҳокимлиги захира ер фондига қайтариб олинб, тегишли тартибда бошқа фойдаланувчиларга бериш чоралари белгиланди.

Тадбирда асосий эътибор маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оқулатилган вазиғларнинг ижроси ҳамда жойларда ер қонунчилиги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаз қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратилди.

Нарғиза МАМАТКУЛОВА.

та энергоблок узлуксиз ишламоқда. Ангрен кўмир қони станцияга бир кеча-кундузга 150-160 вагон кўмир етказиб бераяпти.

Янги Ангрен ИЭС: ТЕХНОЛОГИК

Янгилини жараёнида

станциянинг мустаҳкамлигини янада ошириш билан узок мuddат эксплуатация қилиниши мўлжалланган. ИЭСда модернизациялашнинг иккинчи босқичи 2014-2019 йилларда амалга оширилади. 6-7-энергоблокларни реконструкциялаш, 2-ёқилги узатиш трактини, кўмир қабул қилиш ва сақлаш омборини қуриб битказиш, 2-ёқилги узатиш цехини барпо этиш, 8-энергоблокни қуриб, фойдаланишга топшириш каби устувор вазиғлар беш йиллик режадан ўрин олган.

Аҳамиятли жиҳати шуки, Ангренни махсус индустриал зонага айлантиришга ҳам Янги Ангрен ИЭС муваффақиятли иштирок этмоқда. Миллий индустриал зонада "EGL-NUR" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси билан ҳамкорликда светодиодли лампалар ишлаб чиқариш заводи қуриш белгилаган эди. Уни Ангрен ИЭС қуриб битказди ва мустақилликнинг 22 йиллиги арафасида ишга тушириш мўлжалланган эди. Корхона ҳозирча Кореядан келтириладиган хом ашё эвазига ойига 2000 дона светодиодли, кўчаларни ёритишга мўлжалланган лампалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги Ангрен ИЭС раҳбария-

Умр мазмуни

ҚАЛБИМДАГИ ГАВҲАРИМ — САНЪАТИМ



Тўғри, 4 фарзандни оёққа тургазиш осон эмас, дейди Турсунўй. Аммо, намнинг моҳида, қўллаб-қувватлаши менга куч берди, қанот бағишлади. Халиҳали кўз олдимдан кетмайди, 1991 йил, мустақиллик шодиёналари олдиндан ўтказилган тадбирда қайнонам: "Қизим, қани бир алла айтиб бергин", деб қўймадилар. Ушанда қувончу ҳаяжонимнинг чеки йўқ эди. Илгарилари ҳам танловларда қатнашишга руҳсат беришган, лекин мен айтган миллий руҳдаги қўшиқларнинг қади истиқлол давридагидек эмасди. "Мақомчи"лар, "Марҳабо талантлар", "Хаваскор бадий жамоалар" ва бошқа қатор танловларда совринли ўринларни эгаллаганим рист. Аммо, айнан, мустақиллик йилларидаги фаолиятим умримнинг мазмунига айланди.

"Алла" (1991 йил), "Ўзбекистон Ватаним мани!" (2000, 2001, 2003 йиллар), "Мақомчилар" (2008 йил), "Вилоят фольклор ансамблилар" (2008-2009 йиллар), "Оналар қўйлаганда" (2009 йил), "Оилавий ансамблилар" (2010 йил) каби кўрик-танловларнинг вилоят, республика босқичларида голиблик ва совринли ўринларни эгаллагани Турсунўй йўлларидаги энг ёрқин изларидир.

Миллий куй-қўшиқ, рақсларимиз баралла янграйдиган мустақиллик йилларида яшаймиш, дейди у. Бу йил мен учун кўшалоқ байрам. Истиқлолимизнинг 22 йиллиги, ўзим ташкил этган "Шаҳноз" намунаги болалар рақс дастасига ҳам 22 йил тўлди. Вилоятимизда хар йили ўтказиладиган турли тадбирларда фаол иштирок этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлаётган ўғил-қизларимизнинг санъатга меҳри бекиёш. Миллий либосларни кийиб, рақсга тушганлариди ўзлари ҳам яйраб-яшнаб кетишад...

Турсунўй опа нафақат "Шаҳноз"нинг рақоса қизлари, балки ўзининг санъаткор фарзандлари билан фахрланади.

Умр йўлдошим: "4 фарзандни тарбиялаб, вояга етказсақ, кейин "санъатнинг эшигига ётиб олсанг ҳам майли", деб ҳазиллашар эдилар, дей-

ди у. Ҳозир уларнинг қонини кўриб, бағри кенг, меҳридор қайнонамнинг (охиратлари обод бўлсин), раҳмдил, оқибати естикдошимнинг беғара ёрдамларидан миннатдор бўлман. "Оилами муқаддас билгин, унинг мустаҳкамлиги эр-хотиннинг ақл-фаросати, бардошига боғлиқ" дердилар қайнонам. Бу насихатларига қулоқ тутиб кам бўлмадим.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Тўнғич ўғил Хуршидбек мусиқага қизиқади, фортепьяно ва аккордеонда яхшигина куй чалади, ҳам Олмалик кон-металлургия комбинатида қончи. Шаҳноза, Дилноза, Ибодулла ҳам санъат йўлини таллашган. Шаҳноза юздан ортиқ қизларга рақс сирларини ўргатади. Дилноза эстрада хонандаси, (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист), Ибодулла эса актёр.

Тиниб-тинимас санъат ошиғи Турсунўй Исмиёминова доимо эл орасида, жамоат ишларида фаол. 2011 йилдан буён Олмаликда маданият ва спорт ишларига бош-қош. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутаты. 2012 йилда Республика Маънавият ва тарғибот маркази ўтказган танлов голиби.

Обод турмуш йилида амалга оширадиган ишларимиз талайгина, дейди Турсунўй. Истиқлол имкониятларидан унумли фойдаланиб, оилавий тадбиркорликни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Фермер бўлиб, интенсив бош яратсам дейман. Уни "Дийдор ширин" деб номламоқчимиз...

Ҳозирги кунда оилаликлар "Она" деб аъзоэълойдиган бу тиниб-тинчимас аёлнинг режалари бисёр. Шаҳарнинг марказий маданият уйда ўзи ташкил этган "Оила мактаби"да қизларни бичиш, тикиш, пазандалик ишларига ўргатар экан, уларни барча рўзгор юмушларида эзкоқ, мустаҳкам оила беккалари бўлишларини ис-тайди.

Армони йўқ бахтли онаман, дейди у. Чунки, мени қўллаб турган Ватаним, Юртбошим, ёнимда йўлдошим, эл-юрт хизматига юрган фарзандларим бор. Мен улар билан фахрланаман!

Сайра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

давом этиб, станциянинг ОТК-500 кВт бўлимида 1,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Эътироғга лойиқ ҳаракатлардан яна бири — қуллаш чикиндиларини безарар жойга тўплаш масаласи ҳал этилди. Станция экологик хавфсиз ишлаши таъминлаш мақсадида 2-кул шлак омбори қуриляпти. Табиати муҳофаз қилиш давлат инспекцияси шаҳар бўлими бу жараёнларда бевосита кузатуви ва иштирокчи сифатида станция билан ҳамкорлик қилмоқда. Атроф-муҳитга етказилган зарар учун компенсация тўловлари ҳам ўрнатилган тартибда ундирилмоқда.

Корхонада ижтимоий химояга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил 30 нафар коллеж битирувчилари ишга қабул қилинди. Ишчи-хизматчилар станция тасаруфидидаги 1,72 гектарли иссиқхонада етиштирилаётган сазавот маҳсулотларидан баҳрамандлар. Чорвачилик фермаси эса кунига 50-60 литр сут етказиб бермоқда.

Станцияда яна 1,5 гектарли иссиқхона қуриш бошлаб юборилди. У ишга тушса, меҳнат жамоасининг дастурхонин бундан-да тўкин-соҳин ва баракали бўлиши шубҳасиз.

Камола УМАРАЛИЕВА.

Истеъмолчи доимо ҳақ СУНЬИЙ МУАММО КИМГА КЕРАК?

Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси мутахассиси Гавхар Соатова тахририятга тақдим этган маълумотларда келтирилишича, Чирчиқ шаҳрида айрим истеъмолчилар пластик карточкаларидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмоқдалар. Чунончи, Трансформаторчилар кўчасидаги 18-уйнинг 10-хонадонда яшовчи Д. Жўраева газ ҳисоблагичини алмаштириб беришларини сўраб, "Чирчиқшаҳаргаз" корхонасига мурожаат қилди.

Корхона ходимлари эса, кўрсатган хизматлари учун терминал орқали пластик карточкадан ҳисоб-китоб қилинмаслиги, фақат нақд пул тўлаш лозимлигини айтиб, истеъмолчининг талабини рад этдилар. Д. Жўраева шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилди. Шундан сўнгина 35 минг 780 сўмлик хизмат ҳақи пластик карточка орқали тўланди.

Чирчиқ шаҳар Оқ олтин кўчаси 27-уйда яшовчи К. Эминов "VIZA" пластик карточкасини "Он-лайн"га алмаштиришга қарор қилганда, бунинг учун бир неча ой сарсон бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У "Саноатқурилишбанк"нинг шаҳар филиалига февраль ойида мурожаат қилган эди. Апрель ойида, "Он-лайн" карточкасини қўлга теканида, орзуси кўпайганидан жўрсанд бўлганди. Бироқ, "VIZA"даги 1 миллион 489 минг сўм пули ҳамда 646 минг сўм иш ҳақини "Он-лайн"га ўтказиб беришларини яна бир неча ой хуноб бўлиб кутушига тўғри келди. Ким билади дейсиз, агар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шаҳар жамияти бу ишга аралашиб, муаммони қонуний ҳал қилиб бермаганида, пешона тери билан топган пулларига ханузгача эгалик қилолмай юрган бўлармиди?..
Самад Йўлдош.

Савол беринг, жавоб оласиз

Муштарийлар йўл-ҳаракати хавфсизлиги бўйича кўплаб саволлар беришмоқда. Уларни жамлаб, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори Исроилюжа Сайдиқаримовдан жавоб беришни илтимос қилдик.

ҲАЙДОВЧИ ҲАМИША МАСЪУЛ

— Яқинда автомобилнинг бошқариб бораётганимда, йўл-патруль хизмати инспектори тўхтатди. Лекин қондан бузмаган эдим. Умуман, инспекторлар қандай ҳолатларда ҳайдовчини тўхташига ҳақли? Зафарбек КАРИМОВ, Янгийўл шаҳри.

Транспорт воситаларини тўхтатишга қуйидагилар асос бўлади:

- ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидасини бузса;
- ҳайдовчи ва йўловчининг йўл-транспорт ҳодисаси маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига алоқаси борлиги ҳақида маълумот бўлса;
- гувоҳлардан ҳодиса тафсилотларини сўраш зарурати туғилганда;
- автомобиль қидирувда бўлиб, ундан қонуний фойдаланилаётганини ҳақида маълумот аниқланса;
- ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатини чеклаш ёки таққиллаш бўйича қарорлари бажарилаётганда;
- ҳайдовчи ёки транспорт воситасининг бошқа йўл ҳаракати қатнашчилари ва ички ишлар ходимларига ёрдам бериши зарурати туғилса;

— автомобилни бошқариш ҳуқуқи, транспорт воситаси ва олиб кетилаётган юк ҳужжатларини текширишда.

— Ўғлим 17 ёшда. Уни ҳайдовчилар тайёрлаш мактабига юборсам бўладими? Мурод ЙЎЛДОШЕВ, Бўка тумани.

— "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 24.4-бандига асосан, ҳайдовчиларни тайёрлаш махсус мактабларида бўлиши шарт. 16 ёшга тўлиши талаб этилади.

— Автомобилнинг ойналарини қорайтирмак эдим. Бунга рухсат бериладими? Мадина РАСУЛОВА, Қибрай тумани.

— Транспорт воситаларининг фақат орқа ва ён ойналари ёруғлик ўтказувчанлиги 70 фоиздан кам бўлмайдиган қилиб, давлат стандарти талабларини



бузмаган ҳолда тусини ўзгартириш (қорайтириш)га рухсат берилади.

— Автоинспекторлар яширини, яъни панада туриб кузатишлари қонунан мумкинми? Нишонбой ҲАЛИЛОВ, Ангрэн шаҳри.

— Йўл-патруль хизмати инспектори ошқора, яширин ва аралаш ҳолатда ўз вазифасини бажариши мумкин. Агар, Сиз ҳуқуқбузарликка йўл қўймаган, йўл ҳаракати қоидалари ва талабларини бузмаган бўлсангиз, инспекторларнинг қаерда ва қандай хизмат олиб боришининг аҳамияти бўлмайд.

Олов – тилсиз ёв

МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Вилоят пахтакорларининг машаққатли меҳнати билан мўл ҳосил етиштирилди. Энди ушбу муҳим санаот хом ашёсини қисқа муддатларда, нест-нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш, хусусан, бу жараёнда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш нобатдаги масъулиятли вазифадир.

Олов – тилсиз ёв деб бежиз айтилмаган. Пахта етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни турли табиий офатлардан, жумладан ёнғиндан сақлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Зеро, айрим кишиларнинг лоқайдлиги, ўз вазифасига масъулиятсиз ёндошиши оқибатида ёнғин чиқиши ва қанчадан-қанча меҳнат қилиб етиштирилган пахта йиғими, ризқ-рўзи бўлган байта хом ашёси кулга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шуни ҳисобга олиб, вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш мавсумини талафотсиз ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор эслатади.

Пахта тазолаш корхоналари ва қабул пунктлари ишчи-хизматчилари, пахта-нинг терий ҳамда ташшига жалб этилган автотранс-

порт воситалари ҳайдовчилари, шунингдек, йиғим-теримга жалб қилинган масъул ходимлар ёнғинга қарши махсус йуриқнома билан таништирилиши лозим. Йуриқномадан ўтмаган ходимларнинг пахта йиғими-теримига қатнашиши ман этилади.

Терим машиналари, трактор ва бошқа транспорт воситалари яхши соланган бўлиши, учкун сўндиргич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан жиҳозланиши лозим. Ёқилга ва электр ускуналари носоз, учкун сўндиргич бўлмаган машиналардан фойдаланиш қатъий тақиқланади. Пахта хом ашёси ортлган автомобиль юкконалари ва трактор тиркамалари махсус брезент полотнолар билан ёпилган бўлиши зарур.

Пахта терий машиналари, хом ашё ташитган автомобиль ва тракторларда, далаларда, пахта тазолаш корхоналари ва қабул пунктларида чекиш ҳамда очик оловдан фойдаланиш

ман этилади.

Мавсумга жалб этилган теримчиларнинг яшаш жойларида носоз ва вақтинча ўтказилган электр симлардан фойдаланиш, қоғоз ва матолар билан электр чирокларини ёпиш, кийим-кечак ва бошқа буюмларни электр симларига ҳамда иситиш печларига ёйиш ёки олиб қўйиш, хоналарда сигарета чекиш, очик оловдан фойдаланиш, ёнғин алаңлангануви, ёнғини сувоқликларни хонада сақлаш ва ушбу сувоқликлар билан иситиш печларини ёқиш, печларни назоратсиз қолдириш, хоналарни иситиш, оқват тайёрлаш ва чой қайнатиш учун табиий газдан резина шланг орқали фойдаланиш, хоналарни иситиш учун ясама асбобларни ишлатиш, асосий ва қўшимча чиқши йўллари ёпиб ёки турли буюмлар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

Ёнғин чиқмаслиги учун хар доим ҳушёр, эҳтиёткор бўлиш ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиш лозим.

Фахриддин АБДУМВЛОНОВ, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.

Гуруҳимиз ёнғин содир бўлган жойга тез етиб борди. Бу орада олов бутун уйни қамраб олишга улгурибди. Теэзорлик билан қилган савий-ҳаракатимиз сабабли ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлдик. Ёрдамга

чиққан қўни-қўшнилар болаларни вақтида ўт ичидан олиб чиқшган экан. Бахтли тасодиф тўғйили оила аъзоларидан ҳеч ким жабр кўрмади. Лекин, ёнғин хонадон эгаларига анчагина моддий зарар етказди.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСАК БАС

Афсуски, касбимиз сабабли бундай воқеаларга тез-тез гувоҳ бўламиз. Бир неча дақиқада уй-жой, мол-мулк ёниб, кулга айланади. Ўнг ачинарлиси, бу тилсиз офат одамлар ҳаётига зомин бўлади.

Бундай фожиаларнинг олдини олиш эса, ўзимизга боғлиқ. Озгина ҳушёр, эътиборли бўлсак, белги-

ланган меъёр ва қоидаларга амал қилсак, ёнғин содир бўлмайди. Шунинг унутмаслик керакки, ёнғин чиқиши фақат бир хонадонга эмас, атрофдаги уйлارга ҳам зарар етказиши мумкин. Шунинг учун бу қўшимнинг уйи, менга нима, қабилида иш тутиш ярамайди. Демак, ҳар бир фуқаро

ёш болаларни қаровсиз қолдирмай, электр ва газ плиталаридан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланса, ўз уйимиз, мол-мулкимиз ва энг муҳими, ҳаётимизни хавф-хатардан сақлаган бўламиз.

Убайдулла ЛУТФУЛЛАЕВ, 12-ХЕҲО, 24-ХЕҲК инспектори.

Аср вабоси

МУМОРИГА УЧГАНЛАРНИНГ ФОЖИАЛИ ҚИСМАТИ

Гиёҳвандлик аллақачон бутун дунёнинг глобал муаммосига айланган. Бу иллат домига илинганларнинг онги захарланиб, умри завол топмоқда. Гиёҳвандлар орасида оғир жиноятчи содир этиш, ОИТС ва жинсий йўл билан юқувчи босқич касалликларнинг кўпайиш хавфи жуда кучли.

Эрмак учун тоғиб кўрган-деги "лаззат"ни яна ҳис этиш ҳумори гиёҳванд моддаларни қайта-қайта қабул қилишга ундайди.

Бу иллат тамаки чекишдан бошланади. Сўнг наша чекишга ўтиб, кучли тобелик юзага келади. Кейинчалик ҳуморини наша чекиш билангина қонқотириш қийин бўлиб қолади ва гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилишга ўтилади.

Натижада ақли заифлашади, хотира пасаяди, билим ва маълумотлар қабул қилиш қобилияти, ҳаётга бўлган қизиқишлари сусаяди.

Энг аянчили ва хавфли жиҳати шундаки, гиёҳвандлар ҳатто заҳри қотил топиш учун ўғрилиқ, талончилик, бошқинчилик каби жиний ишлар қилишдан ҳам таймайд. Игнани кўпчилик бўлиб ишлатганда ОИВ/ОИТСга чалиниш, шунингдек вирусли гепатитнинг "В" ва "С" турларини юқтириш хавфи ўта юқори бўлади.

Афсуски, бу хавфли касаллик ёшлар ва ўсмирлар орасида кўпроқ учрамоқда. Туманимизда гиёҳвандликка қарши кураш борасида бирмунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида 4 та мактаб, 2 та қишлоқ, 2 та ҚВПда тадбирлар ўтказилиб, уларга 170 дан ортиқ ёшлар жалб этилди ва суҳбатлар ўтказилди. Шунингдек, ҳар бир маҳалла фаоллари, мураббийлар, тибобий ходимлари жойларда тушунтириш ишларини олиб боришса, мақсада мувофиқ бўлади.

Шоҳида МУХАММАДЖОНОВА, Оққўрғон туман давлат нотариуси.

ЭЪЛОНЛАР

"KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич оғиб бориш тартибидан етказилган оқик аукцион савдоларига тақлиф этади!
Савдога Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан: Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 11-1024/27010-сонли ижро варақасига асосан, "Кишлоқхўжаликкимё" Юқори Чирчиқ туманларо филиалига тегишли Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Ўртасарой ҚОЙ, Ўртасарой маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,2826 га, қурилиш майдони 821,20 кв.м бўлган бино ва иншоотлар тақридан қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 132 709 347 сўм.
Савдо 2013 йил 30 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 27 сентябрь куни соат 18:00.
Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Ko'shmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сабгон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519 тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич оғиб бориш тартибидан ўтказилган оқик аукцион савдосига тақлиф этади!
Савдога қуйидаги кўчмас мулклар тақридан қўйилмоқда: 1. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 17.12.2009 й. № 33712/7-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Чинобод кўчаси 33/6-ўй. Бошланғич баҳоси – 539 949 600 сўм. 2. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 02.05.2013 й. № 47613/12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, К. Ниязова кўчаси, 10/1-ўй, 30-хонадон. Бошланғич баҳоси – 436 891 003 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 26 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Юнусобод тумани СИБ томонидан 23.05.2011 й. № 13855/22-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й.да жойлашган ер участкаси. Бошланғич баҳоси – 54 640 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 11 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларидан иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар қуни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотек банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлаганига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич оғиб бориш тартибидан ўтказилган оқик аукцион савдосига тақлиф этади!
Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари тақридан қўйилмоқда: 1. Охангарон тумани СИБ томонидан 03.10.2012 й. № 151-12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "ГБАСПГ-Ваз 2106" д.р. 01 М 815 ДА. Бошланғич баҳоси – 3 818 443,68 сўм. 2. Охангарон тумани СИБ томонидан 16.04.2012 й. № 1-84/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч. "ИЖТ" д.р. 8381 ТШИ. Бошланғич баҳоси – 526 848,30 сўм. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Охангарон Раҳмонтранссервис майдончасида сақланмоқда. 3. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Вольво" д.р. 17 V 6746. Бошланғич баҳоси – 30 700 000 сўм. 4. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и.ч. "СКР 24" д.р. 19 А 351. Бошланғич баҳоси – 24 253 000 сўм. 5. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатида асосан 1999 й. и.ч. "MAN" д.р. 16 М 6959. Бошланғич баҳоси – 41 862 000 сўм. 6. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 19.03.2013 й. № 14932/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. и.ч. "Ваз-2101" д.р. 11 J 0670. Бошланғич баҳоси – 1 637 019 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 26 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. 7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг "ИПОТЕКА" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлаганига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

• Янги уйлар Сиз учун узок мuddатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат қафолати;
- Узғурчи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

• Туман ёки вилоят ҳокимликларига;- Кишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Камолот" ЕИХ бўлимларига;
- Хотин-қизлар қўшма ташкилатига;
- Кишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига;
- Кишлоқ қурилиш инвестиция филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрсабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

Келажақ учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатини кўпайтириш имконияти;
- Иштиёз фойз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар сарофи.

2013 йилда КИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИК КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашуве: дўхон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 тоғир ер майдонига эга;
- Ичмлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамада текис ва равои йўлларга эга;

Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Иштиёз ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблагингиз оилавий ресурслар ва орзуларингиз амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар яндода жишроқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади.

Абдусаттор Ҳотамовнинг номи адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. Унинг қисса ва ҳикоялари жамланган "Томошабинсиз дунё", "Эркин куш", "Яхшилик дарахти", "Баланд учган турна-

лар" каби ўнга яқин китоблари чоп этилган. Адиб шу кунларда янги насрий тўпламини нашрга тайёрламоқда. Қуйида эътиборингизга унга киритилган митти ҳикоялардан ҳавола этаёلمиз.

лар. Кейин хурсанд бўлиб дедилар:
- Ховлингиздаги кўчалар ҳосилга кирибди. Тунов кун келинмойим барака топсинлар, икки дон қилқизил олма олиб чиқдилар. Боламнинг мевасига сизнинг ҳам оғзингиз тегсин, дедилар.

Онам жилмайдилар:
- Кўнгил-да, Мавлудахон. Болам менга илдинди-ю, мен икитганига бўлсаям сизга илдиндим.

Опа-сингилдек бўлиб кетган бу онахонлар суҳбатини тинглаб ўтириб, дунёда меҳр-оқибат қанчалик улғу фазилат эканига яна бир бор имон келтирдим.

ДИЙДОР
Онамини кўргани борсам, уй тўла меҳмон. "Сиз, онажон, барчамизни бир-бири билан боғлаб турувчи меҳр-оқибат занжирисиз, - дейишди улар, - мана, сизни кўриш баҳона ҳаммамиз дийдорлашяёмиз."

Ийғилганлар фарзандларининг иши ўқишлари, келин ва кувларининг табиатию муомалалари, уйларидаги сизир-бузоқларию қудандалари билан муносабатлари ҳақида узоқ суҳбатлашди. Онам эса бу гапларни гоҳ эшитиб, гоҳ эшитмай, ўғил-қизларига келин-келбатурларига қараб-қараб ўтирардилар.

Нихоят ҳаммамиз кетишга руҳсат сўрадик. "Намунча шошасизлар, ҳали дийдорларинга тўйганим йўқ, - дедилар онам. - Лекин ҳаммагининг соғ-омолигингизни кўриб хотиржам бўлдим, болаларим".

Ажаб, бугун биз фарзандлар онамининг кўргани бордик-ку, нима учун энг азиз кишимиз билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашадик. Аксинча, бир-биримизга сўз бермай гаплашдик. Онамиз эса зерикканча, индамай ўтирардилар.

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деганлари эҳтимол шудир.

ОНАМ АЙТГАН ҚЎШИҚЛАР

(Митти ҳикоялар)

дек дедилар:
- Оқ чашманинг пулидан. Ахир сизнинг сенинг ҳам ҳақинг бор, болам.

Эҳ, онажон-а, нахотки дунёга келтирган, ювиб, тараб катта қилган фарзандингиз сиздан қардорлигини билмайсиз?!
ҚАЛБ КЎЗИ

Газетада ҳикоям босилибди. Ўғлим уни кўтарганча, пилдираб кетди.

- Буви, адамнинг эзганлари чиқибди.

Онам қавиётган кўрпачасини нари сурдилар. Қўллари газетани олиб, узоқ кузатдилар-да, қўзойнак оша ўғлимга қараб сўрадилар:
- Қани, қайсини?
- Вой, бувижоним-эй, мана, эзиб қўйибди-ку, - деди ўғлим кулиб.

Онам лотин алифбосини ўқиган бўлсалар-да, барибир фамилияни тополмадилар. Шунинг учун ўғлим ҳикояни дўмбоқ бармоқчалари билан топиб кўрсатди. Онамининг кўзларида учқун порлади:

- Мен бўлсам отангнинг суратини қидириб юрибман. Онам ҳар гал матбуотда машқларим чикса, негадир, аввало суратини қидирадилар. Эҳтимол, машқларим мисралари оша табиатим ва чехрамни қалбдан ҳис этарлар, бу ҳалларда мени гавдалантирар? Эҳтимол, бу

юракларига фарзанд чехраси доимо гавдаланиб турганиданандир. Шундай пайтларда оналарнинг қалб кўзлари борлигига ишонгинг келади.

Кўнгли
Ховлидаги олма шигил ҳосил қилди. Онам уйга меҳмон бўлиб келгандилар. Қўзлари тушиб, чехралари ёришди:
- Вой, жонивор-а, намунча чиройли!

- Беш йил бўлди экан-нимга. Бир бобдон отахондан олгандим. Мақтаб сотганди. Рост экан гаплари.

- Ҳа, - дедилар онам. - Инсофли одам экан. Мана энди раҳмат олаятти. Ҳалол меҳнат қилиб, рост гапирган одам ҳеч қан бўлмайди. Эртасига онам бошқа ўғиллариникига отландилар:
- Сендан кўнглим тўқ бўлди, болам. Турниш-турмушинг яхши. Энди уксандан ҳам бир хабар олай-чи.

Жилмайиб, ўйлайман: "Унинг ҳақ рўзғори бут, тани-жони соғ. Она барибир она экан-да, кўзи билан кўришни истайдим".

Уч кун ўтиб, яқшаба ота ховлимига бордим. Онам яна узоқ йил кўришмагандек, кучоқ очиб кўришдилар.
- Келақол, болам? Жуда



соғиниб кетдим. Болаларинг тинчми?

- Ҳаммалиги яхши, - дейман. - Сизга салом айтиб юборишди.

Бир пилёа чойдан кейин онам секин дедилар:

- Новвой Мавлуда онам борлар-ку, шу аёл сал бегоброқ, Оёқлари оғрийди. Ҳар гал кўргани чиксам, сени сўрайди. Соғинаман, яхши юрибдиларми? - дейди. Шунга бирров биргаллашиб чиқиб келсам.

Туртта бўрсилдоқ нон кўтариб, Мавлуда онаники чикдик. Болалари барака топадиган экан. Ховли этагига алоҳида икки шинам хона қуриб беришибди. Опоққ ўрин-қўрпа, чиройли тузалган дастурхон. Онахон билан кўриб, роса қувондилар. Болалик йилларимизни, шу кўчада копток тепиб катта бўлганимизни эслади-

Bolalik bog'i

Inson - tabiat farzandi. Shuning uchun uni onasidek sevadi, unga talpinib yashaydi. Bo'kalik Farzona Andaqulovaning beg'ubor tuyg'ulariga boy she'rlari Tabiat, Vatan, Ona haqida. U endigina 11 yoshga to'ldi. Tumandagi 3-umumta'lim maktabining 6-sinfida o'qiydi. Ammo, ma'nodor, mazmunli ifodalar aks etgan sodda, lo'nda satrlar kattalarni ham befarq qoldirmaydi. She'riyat chamanida unib chiqayotgan bu navnihol erta-indin bo'y cho'z'ib, gul ochishi, buloq suvidek tiniq tuyg'ulari she'riyat ixlosmandlariga zavq bag'ishlashi shubhasiz. Zero, Farzoning har bir she'rida Vatan, ona yurt mehri, farzandlik burchi, sadoqat sadolari yangrab turadi.

ONA VATAN MADHI

Zarga o'xshar tuprog'ing, Gulga makon har yog'ing. Hipiraydi bayrog'ing, Yashnayver, suyuq Vatan!

Boyligimiz paxta-don, Gullayver, buyuk Vatan! Tog'laringdan ketmas qor, Bog'ingdan ketmas bahor. Obod turmush bo'lsin yor, Baxtimsan, suyuq Vatan!

Dalang sirli dasturxon, Bobom fidoyi dehqon.

O'ZBEKISTON

Men tug'ilgan o'lkani, O'zbekiston deydilar. Bog'pidan daraxt bitgan, Bog'u bo'ston deydilar.

Yigitlari mard-shunqor, Lobar qizlar-maftunkor. Yurtboshisi-zo'g sardor, Madhi-doston deydilar.

Bepoyondir cho'llari, Baliq to'la ko'llari. Ravon tekis yo'llari, Elga doston deydilar.

Qarilari izzatda, Farzandlari xizmatda. So'rasangiz albatta, "Jonim qurbon" deydilar.

SAYOHAT

Sayohatga otlandik, Chiqib bo'ka tomondan. Dovonga yetib bordik, O'tib, Ohangarondan.

Archazor orasida, O'tlar qo'ylar-qo'zilar. Sof-musofir havosi, Nafas olsang sezilar.

G'oyat tik dovon yo'li, Hayratimni o'zgacha. Bir tomonda tog'u-tosh, Bir tomonda ko'k archa.

Ona yurtim mo'jiza, Sayohat-tanga rohat. Zilol buloq suvlari, Tanaga berar quvvat!

MAHALLAM

Mahallamning nomini, "Navro'z" deb atashadi. Qator yangi uylarga, Havasla qarashadi.

Obod bo'lsin mahallam deb, Gulu-rayhon ekishar.

Mahallamning boshida, Bordir "Tayanch" punkti. Toshbonlari qoshida, Pinchdir mahallam tuni.

"Zilola" kafesi bor, Yonida non do'koni. Hamma narsasi bisyor, Shirmondir yoppang noni.

Erta tong kelinchaklar, Ko'chalarga suv separ.

Mahallamning nomini, "Navro'z" deb atashadi. Qator yangi uylarga Havasla qarashadi.

Farzona ANDAQULOVA.

Ёшлар веломарафони

ПОЙГАГА ҲАММА ҚЎШИЛДИ

- Ёшларни спорт мусобақаларига кенг жалб қилиш, уларнинг ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда велоспорт турини оммалаштириш мақсадида шу марафонни ўтказдик, - деди кенгаш бўлим муdiri Дилором Абдуғафорова. - Бизга вилоят маданият ва спорт ишлари, урта-махус, касб-хунар таълими бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда касба уюмлари кенгаши ҳамкор сифатида қўмак беришди.



ди. 18-30 ва ундан катта ёшдаги "велоспортчи"ларга эса, 20 километрлик пойгада қатнашиш шарти қўйилди.

- Марафон ўтказилишидан бир ой олдин унда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш бошланди, - деди мусобақа бош ҳаками Қудрат Ҳайдаров. - Бу йил 250 га яқин киши марафонда қатнашиш истагини билдирди. Нихоят, энг ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Мусобақанинг олтин медаллари Отамурод Уринов, Шомансур

Абдуманнобов ҳамда Умид Мирвалиевага насиб этди. Шу билан бирга "Энг ёш пойгачи", "Пойгачилар оиласи", "Энг маҳоратли техник пойгачи" ҳамда "Фахрий пойгачи" каби қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар эълон қилинди.

Марафон яқунланган, таъриблик ва маҳоратли велопоёгачиларнинг ёшлар учун маҳорат дарслари ҳамда маданий дастурлар уюштирилди.

Хуршида НАЗАРОВА, Эркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Жиноятга жазо муқаррар

Раҳматли бувимлар ҳар сафар дуога қўл очганларида: "Яратганинг ўзи йўлдан адаштирмасин" дердилар. Ёш эканмиз, бу сўзларнинг мазмун-моҳиятига тушунмаганмиз. Бугун озми-кўпми яшаб, ҳаётнинг иссиқ-соғувию яхши-ёмонини биров кўриб, кузатиб, бувимиз нечоғлик тўғри ва ҳақ тилак қилганларини англадим.

Улуғларимиз айтганидек, яхшилик билан ёмонлик ораси бир қадам. Шу биргина қадам инсон ҳаётини дўзахга айлантириб юбориши, ўзини эса эл-улус олдига абгор қилиши ҳеч гап эмас экан. Бундай ҳолга тушишига эса инсоннинг мўмай бойлик кетидан қувшиши ва бу йўлда ҳар қандай қинғирликлардан қайтмаслиги сабаб бўларкан.

Мамўржон Исмоғилов ва Даулет Акбаров ҳам ўз нафсларининг қулига айланиб, ҳамқишлоқлари ва ҳамкасблари олдига мулзам бўлиб, қорун белгилаб берган қора кўрсатилган жой олдилар. Мамўржон Исмоғилов



ТЎҚҚИЗ МИЛЛИОНДАН БИР АВАРИЯ

Американинг Коннектикут штатидаги аттракционлардан бирида авария юз бериб, 13 бола шикастлангани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Болалар учаётган карусель кутилмаганда таққа тўхтаб, устидагилар ерга қулашди. Шикастланганлар шифохонага олиб борилди. Бироқ, уларнинг аҳоли ҳақида ҳозирча маълумот тарқатилмапти. Ушбу воқеа

муносабати билан боғдаги ҳамма аттракционлар тўхта-тиб қўйилди. Айни пайтда воқеа юзасидан тергов олиб борилмоқда. Шаҳар полициясининг маълум қилишича, ушбу бахтсиз ҳодисага электр таъ-

минотидаги узилиш сабаб бўлиши мумкин. Умуман, кўнгилочар бог ва аттракционлар халқаро ассоциацияси маълумотларига қараганда, АҚШда бундай авариялар камдан-кам учрайди. Аник қилиб айтиладиган бўлса, 9 миллиондан бир мартадагина болалар шикаст топишлари мумкин.



ЎЗ ХОҲИШИ БИЛАН КЕТДИ

Покистон президенти Асиф Али Зардорий ўз лавозимидан воз кечди. Associated Press агентлигининг хабар қилишича, Зардорий Покистоннинг лавозим муддати тугагач, ўз хоҳиши билан истеъфога чиққан биринчи президенти бўлди.

58 ёшли Али Зардорий халқ партияси мамлакат ҳукумати тепасига келган 2008 йилда президент лавозимини эгаллаган эди. Ушбу партиянинг собиқ етакчиси, мамлакат бош ва-

зири лавозимини икки марта эгаллаган Беназир Бхутто Зардорийнинг рафиқаси эди. У 2007 йилда содир этилган суиқасд пайтида ўлдирилган. Зардорийдан сўнг унинг лавозимини Мамнун Ҳусейн эгаллади. У йирик тадбир-

корлардан бири бўлиб, Покистоннинг "Муслмон лигаси-Н" ҳукмдор партияси вақилдир. Мамлакат қонунчилигига мувофиқ, президентларнинг кўпи билан икки мuddат ушбу лавозимни эгаллаш ҳуқуқлари бор.

ПОЛИЦИЯ ВАЗИФАСИНИ УДДАЛАДИ

Лондон шаҳрининг шарқий қисмида уюштирилган миллатчилар митингига 500 га яқин киши тўпланди. Улар исломга қарши шиорлар қўтариб олишганди.

Ушбу митингчиларга қарши минглаб антифашистлар ҳам майдонга чиқишди. Уч мингга яқин полициячи бу ерда тартибни сақлашга ҳаракат қилди. Лондон полицияси миллатчиларнинг кўпбала муслмонлар яшайдиган жойдан ўтишларини тақиқлаб қўйди. Иккинчи томон - антифашистлар гуруҳига эса белгиланган жойдан таш-



карига чиқишми ман эди. Reuters агентлигининг таъкидлашига кўра, ҳар икки томондан полиция таҳқинчи бузганлардан 160 киши ҳибсга олинди. Уларнинг асосий қисми антифашистлардир. Хуқуқни муҳофаза қилиш органларида таъкидланганидек, ушбу митингга кўпбала

полициячилар тартиб ва тинчликни сақлашга уринганлари ўз самарасини бериб, миллатчилар билан антифашистлар ўртасида жиддий тўқнашув келиб чиққанини олди олинди.

МАКТАБ ЁНИДА ҚУЧЛИ ПОРТЛАШ

Хитойнинг Гуанси-Чжуан мухтор тумани шаҳаридан биридаги мактаб ёнида қучли портлаш содир этилди. Оқибатда бир одам ҳалок бўлди, 20 дан зиёд киши жароҳатланди.

ИТАР-ТАСС мамлакат ахборот агентлиги маълумотларига таяниб, шу ҳақда хабар тарқатди. РИА-Новости" эса жароҳатланганлар шифохонага ётқирилгани маълум қилди-ю,



аммо улар орасида болалар бор эки йўқлигига ойдинлик киритмади. Портлаш шу даражада қучли эдики, яқин atroфдаги уй-

АКУЛА ИККИ КИШИГА ҲУЖУМ ҚИЛДИ

АҚШнинг Флорида шаҳридаги пляжлардан бирида икки киши эндигина сувга тушган пайтда акулалар уларга ҳужум қилди.

Жабранганларнинг бири 20, иккинчиси 40 ёшли эркеклар эди. Улар йиртқичлардан зўрга қўтулиб қолишди. Бироқ, уларни шифохонага олиб боришга тўғри келди. Чунки оёқларидан жиддий жараланган эди. CNN агентлигининг маъ-



лум қилишича, эркеклар сувнинг чуқурлиги тиззага-ча келадиган жойга боришлардан пайтда йиртқичлар уларга ташланди. Эркеклар эпчиллик қилиб, ортга қайтишди-ю, аммо бир дақиқа ҳам ўтмай, йиртқичларнинг иккинчи ҳужумига дуч кел-

лишди. Дарвоқе, Флорида штати акуларнинг одамларга ҳужуми бўйича АҚШда биринчи ўриндаги бежиз эмас.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таъриятни компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ**